

3-ЎЎ ЧАШМАСИ



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 4 (211)

2013 YIL, APREL

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Институтимизда «Китоб-хонлар байрами» республика танловининг худудий саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Китоб – талабанинг доимий ҳамроҳи



17 апрель куни институтимиз маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 8 февралдаги 87-02-266-сонли «Китоб-хонлар байрами» маданий-маърифий танлови тўғрисида»ги модернамаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2012 йил 30 ноябрдаги 283-сонли мажлиси баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Китобхонлар байрами» танловининг худудий босқичи ўтказилди.

Танловнинг асосий мақсади-ёшлар ўртасида бадиий асарларнинг ўрни ва аҳамиятини тарғиб қилиш орқали ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларга китобдан унумли фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, мустақил ва эркин фикрига эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда китобхонликни кенг тарғиб этиш, уларда китобни мутолаа қилиш, таҳлил қилиш, мустақил фикр билдириш кўникма ва малакаларини шаклланти-

риш, ёшлар ўртасида китобхонлик тарғиботи таъсирчанлигини янада ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етуқ, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, ота-онасига, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Танлов ўтказиладиган институт маданият саройи бадиий китоблар кўرғазмаси, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаларининг ижод намуналари, танловни акс эттирувчи расмлар билан безатилди.

(Давоми 4-саҳифада)

Амир Тему́р таваллудининг 677 йиллиги

Буюк давлат асосчисига эҳтиром

9 апрель куни институт маданият саройида буюк давлат арбоби, соҳибқирон Амир Тему́р таваллудининг 677 йиллигига бағишлаб «Соҳибқирон Амир Тему́р – буюк давлат арбоби» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.



Тадбирни кириш сўзи билан институт маънавий-маърифий ишлар проректори А.Тангиров очди. «Амир Тему́р – илм-фан ва маданият ҳомийси» мавзусида тарих факультети декани С. Ғозиев, «Амир Тему́рнинг иқтисодий бошқаришдаги усуллари» мавзусида география ва иқтисодий билим асослари кафедраси мудири Ш. Хидиров маъруза қилдилар. Шунингдек, тадбирда тарих факультети талабаларининг Амир Тему́р ҳақида тайёрлаган сахна кўринишлари ва бадиий чиқишлари намойиш этилди.

Ф. ҚҶШНАЗАРОВ

Илмий кенгаш муҳокамасида долзарб масалалар

Институт рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш чора-тадбирлари ҳақидаги муҳим ва долзарб вазифа Илмий кенгаш кун тартибига қўйилиб, кенг муҳокама қилинди. Маърузачи – ўқув ишлари проректори Н. Алимов ва музокарада сўзга чиққанлар таҳлил ҳамда хулосалари инobatта олинган ҳолда кенгаш кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Маълумки, барча олий ўқув юр்தларида рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш бўйича комиссиялар ДТМга ҳар йили якуний маълумотларни тақдим этади. Энг муҳими, - деди маърузачи, ўқув ишлари проректори Н. Алимов, - сифат кўрсаткичларига асосий эътибор қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, олий ўқув юрти олимлари ишлаб чиқарган маҳсулотлардан қанчалик фойдаланилаётгани, чет эл журналларида, интернетда эълон қилинаётган мақолалар, умум эътирофга сазовор бўлаётган илмий-услубий нашрлар инobatта олинади.

Институт ректори, профессор О. М. Дўсматов таклифи билан ҳар бир ўқитувчининг шахсий иш режалари бажарилишини аниқлаш, натижаларини факультетлар илмий кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилиб, институт илмий кенгаши йиғилиши муҳокамасига тақдим этишга

қарор қилинди. Шу билан бирга кафедра мудирилар зиммасига ўқитувчилар шахсий иш режаларининг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш, ҳар бир ўқитувчи ўз шахсий иш режасини бажариши бўйича ҳисобот беришини таъминлаш вазифаси топширилди.

Кенгаш йиғилиши ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш ва улар билан ишлаш дастурининг бажарилиши ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, бу борадаги янги вазифаларни белгилаб берди.

Бу йил институтимизни битираётган 1506 нафар талабанинг 498 нафари грант асосида таълим олмоқда. Уларнинг 1285 нафари халқ таълими муассасаларига, 192 нафари касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга, қолган қисми эса республика иқтисодийнинг турли соҳаларига йўланма олдилар. Битирувчилар, иш берувчилар ва

институт ўртасида уч томонлама шартномалар тузилган. Институтда март ойида истеъмоличилар вакиллари билан битирувчиларнинг учрашувлари ўтказилиши бир қатор муаммоларга ойдинлик киритди. Кенгаш қарори билан ҳар бир устоз-мурабий 3 йил мобайнида ўзи устозлик қилаётган битирувчини назоратга олиши, унга амалий, услубий ёрдам бериб бориши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда факультетларда иқтидорли талабалар билан ишлаш режасининг бажарилиши, институт мурабийлар кенгаши иш фаолиятини кучайтириш, ўқув йилининг биринчи ярим йиллик якуний назоратларининг натижалари, ижро интизоми ҳақидаги масалалар бўйича илмий ишлар проректори, доцент М.Султонов, маънавий-маърифий ишлар проректори, доцент А.Тангиров, ўқув-услубий бўлим бошлиғи, доцент Ф.Хайитов, ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи, доцент Б.Эргашев чиқиш қилдилар.

Муҳокама этилган барча масалалар бўйича илмий кенгаш қарорлар қабул қилди.

А. ШАРИПОВ

Институтимизда шу номдаги электрон ижтимоий-интеллектуал лойиҳа тақдимоти бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 февралдаги 07/2-80-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими, Ички ишлар, Фавқулодда ва-

вий-маърифий ишлар проректори, доцент А. Тангиров очиб берди. Тадбирни бошловчи ва ушбу лойиҳага муаллифлик қилган филология фанлари номзоди, доцент Раҳимбой Жуманиёзов олиб борди.

Ғоямиз – ҳимоямиз

зиятлар вазириликлари ҳамда «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати бошқаруви, Республика бош прокуратураси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «O'zbekkino» Миллий агентлиги, Божхона кўмитаси ҳамкорлигида таълим муассасаларида диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси»га мувофиқ, Миллий ғоя ва мафкурани ўқувчи-ёшлар онгига янада синдириш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида 25 апрель куни институтимиз маданият саройида «Ғоямиз – ҳимоямиз» номли лойиҳа тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни маъна-

Тадбирни олиб бориш жараёнида миллий ғоя, мустақиллик мафкураси ҳамда Президент И. А. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Ўзбекистон: мустақилликка эришиш оstonасида» китоблари юзасидан савол-жавоблар бўлди. Аудио ва видео воситалардан фойдаланилган ҳолда талаба-ёшларнинг билимлари синалди, голиблар рағблантирилди.

Миллат танламас иллат – гирёхандликка қарши нафрат, оила мустаҳкамлиги ва соғлом турмуш тарзига муҳаббат руҳи билан сугорилган, тарбиявий мазмундаги «Қора илон» номли бадиий фильм намойиш этилди.

К. НУЪМОНОВА,
Ўз муҳбиримиз

Соҳибқирон тавлудининг 677 йиллигига

Амир Тему́р даврида қурилиш ва меъморчилик

равнақи

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари бекиёсдир. Тарих бу кўхна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билди. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Амир Тему́р ва теурилар даврида мамлакатда олиб борилган иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги кенг кўламли амалий ишлар каторида қурилиш ва меъморчилик соҳаси ҳам янада ривожланди. Бунга мисол қилиб Самарқанд, Ташкент, Бухоро, Қарши, Туркистон, Хирот, Нишопур ва бошқа шаҳарлардаги яратувчанлик ишларини кўрсатишимиз мумкин. Бундай қурилиш ишлари натижасида Соҳибқироннинг буйруғига асосан 1365 йилда Қарши, 1370 йилда Самарқанд, 1380 йилда Кеш шаҳарлари атрофида деворлар барпо этилди.

Албатта, Амир Тему́р биринчи навбатда мамлакат пойтахти Самарқандни дунёнинг энг гўзал ва обод, кўркам ва улкан шаҳарларидан бирига айлантирган. Бу ишларни энг аввало мўғуллар истилодидан сўнг 150 йил мобайнида вайрон ва қаровсиз ётган шаҳарнинг муҳофазаси асосан 1365 йилда Қарши, 1370 йилда Самарқанд, 1380 йилда Кеш шаҳарлари атрофида деворлар барпо этилди.



Бундан ташқари, Амир Тему́р даврида қурилган ва ҳозирги кунгача бутун дунёни ҳайратлантириб келаётган тарихий обидалардан яна бири бу – Гўри Амир мақбарасидир. Амир Тему́рдан кейин салтанат тахтига ўтириб бу соҳага ўзининг хиссасини қўшган теуриий шахзодалардан бири Мирзо Улуғбекдир. Унинг ҳукмронлик даврида барпо этилган улкан қурилишлардан биттаси 1420-1429 йилларда қуриб битказилган ҳашаматли бино – Улуғбек расадхонасидир. Расадхона цилиндр шаклида, уч ошиёни қилиб қурилган. Айланаси 47м, баландлиги эса 31 м атрофида эди. Расадхона қурилишига Улуғбекнинг шахсан ўзи, у йўқ пайтларда Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид ва Али Қушчилар

бўлган. Зангиота мақбараси ва Шайхонтоҳур мажмуаси диққатга сазовор. Ҳозирги кунда ҳам ўз шаклини йўқотмаган мадрасалардан бири, бу Регистондир. Регистон сўзи "қумлоқ ер" деган маънони англатади. Регистон мажмуаси деб, 1417-1660 йилларда Регистон майдонида қурилган меъморий ёдгорликлар тўплами тушунилади. Регистон майдонида дастлабки иншоот Улуғбек мадрасаси бўлиб, мадрасани Мирзо Улуғбек 1417-1420 йилларда қурдирган. Самарқандда Регистон майдонидаги ўзига хос гўзалликка эга ва кўркам қўрқ қўшган обиди – Шердор мадрасасидир. Шердор мадрасаси 1619-1636 йилларда Улуғбек хонақохи ўрнига Самарқанд ҳокими Баҳориддин Ялангтўшбий томонидан қурдирилган.

Тиллақори мадраса ва масжиддан иборат. Ёдгорлик Шердорга эгизак бўлиб, Регистон майдонининг шимолий қисмида 1056 хижрий, 1646 милодий йилда Баҳориддин Ялангтўшбий томонидан бунёд этилган. Олтин билан зийнатланиши, қимматбаҳо металлнинг кўп сарфланганлиги ишора қилиниши айни ҳақиқатдир. Тиллақори мадрасаси Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Бу ёдгорлик Улуғбек даврида бунёд этилган. Самарқанд ҳокими Баҳориддин Ялангтўшбий мадраса ва жомеъ масжиди қурдирган. Тиллақори мадрасаси дастлаб Ялангтўшбий қишқик мадрасаси деб номланган. Кейинчалик масжид безағида бошқа бир обиди қурилишига етадиган микдорда олтин сарфлангани учун Тиллақори (тилладан ишлов берилган) деб юритила бошлади. Тиллақори мадрасасида таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилган. Бу таъмирлаш ишлари 1817 йилда Амир Хайдар буйруғи билан зилзиладан зарар кўрган пештоқларини қайтадан тиклаш жараёнида шакллар анча бузилган. 1885 йилда таъмир вақтида зарҳал нақшлари оддий бўёқлар билан алмаштирилган. Самарқандда таъмирлаш устaxonаси ташкил этилиб, (1930) кошчиларнинг қадимги рангини топиш йўлида тадқиқот ишлари олиб борилган.

бошчилиқ қиладилар. Амир Тему́р ва Улуғбек даврида меъморчилик безағида кўп рангликни ва нақшда бойликни ўрганиш шиори остида кечди. Кошинокор безағи кўлашда 2 та босқич ажралиб туради. Биринчи босқич учун бинонинг олд томони ва кўпинча ичига ҳам бошдан-оёқ кошчилар одат бўлган. Иккинчи босқичда эса бинонинг олд томонида, гиштдан қурилган деворнинг ранги пештоқ гўмбаз ва девор ҳошиялари жойлари танланиб ёрқин ранг берилган, гўмбаз тиник зангори рангда бўлган.

Меъморий иншоотларни безатишда эпиграфика улкан аҳамиятга эга бўлган. Улуғбек даврида Самарқанддан ташқари, салтанатнинг кўлаб бошқа шаҳарлари Бухоро, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкентда ҳам меъморий санъатнинг ноёб обидалари барпо қилинди. Аммо қурилиш мижёсида ва уларнинг безағидаги иншоотлар устуллик қиларди. Тошкентда эса гўмбазли, йирик қабртоши тоштарошлик санъатининг ноёб намунаси

Содиқ МАМАРАЖАБОВ, Тарих йўналиши талабаси

Одод-ахлоқ мавзусида

ти оддида Лайли ва Мажнун, Ромео ва Жульетталарнинг муҳаббатлари оғиздир. Тан олишимиз керак, уларнинг муҳаббати шу қадар кучлиликдан жуфтликлар одидан ўтиб кетсак, ўзимиздан шу қадар хижолат тортиб кетамиз, асти кўнверсиз. Болаларимиз қувнаши ва хордиқ чидириши учун хизмат қилиш, керак бўлган истироҳат болгаларимизни олаётимиз, институт боғиними ё бошқа хилват гўшаларни ҳаммасида севи гиҳоллари гуркираб ўсмоқда. Меймича, бу ҳолатга ҳеч қим ҳавас билан бокмайди. Тақдир насиб айлаб ўша ёшлар турмуш қуришди дейлик. Уз фарзандларига қандай тарбия беришар экан? Биз олиёғога таълим - тарбия олиш учун қадим кўямиз. Шундай экан, ҳар хил шайтоний хирслардан ўзимизни тия билишимиз лозим.

Азиз қизларжон, ота - онангиз сизни не - не мақсадларда ўзидан йироқ бўлсада, ўзинга юборган. Баъзиларингизни эса ҳар тунг ўз ўйингиздан кузатар экан, не - не ниятлар оғушида сузиб юради. Сиз ота-онангиз, ака - укангиз номуслии суммангизга солиб чқиндингиз, ваҳоланки уни йуқотишга умуман ҳаққингиз йўқ. Ҳаёт йўлингизда нилгадир суоқли ёр, кўмгадир ибодли келин бўласиз. Уларнинг кўзига тик қарай оладиган даражада журъат топишни ҳоҳласангиз ўз ифтиқорингизни сакланг. Уни олтидан ҳам қиммат билинг.

Булбулноз ҚОБИЛОВА, Мусиқа таълими йўналиши талабаси

Талаба ёшларимизнинг «соф» севгиси

ажралиб туради. Оллоҳча, ота-онага, оилага, дўстга меҳр-муҳаббатнинг ҳе... эътиборини қилиш қўйин. Аммо, икки жанис уртасидаги севи-муҳаббатнинг турлари кўзга кўринади, назарида. Биз олий маълумотли педагог, онгли инсон сифатида бу туйғунинг қанчалик қадр - қиммати ағалигини ҳис қилиб, севагини инсониятимизнинг ҳам биз учун шунчалик қадрли эканини энглаб етишимиз лозим.

Бизнинг ёшлик даврларимиз олтинга-да алмаштирилмайдиган бебаҳо бойликдир. Бу даврда биз ўзгариш талабамиз, ёш қадримиз. Мана шу талабамиз, даврларимизда биз учун энг улғу туйғу қалбимизга таъдир буларди. У шундай, буюқ, суяқ, ноёб туйғу. Оллоҳ томонидан ҳар қишга ҳам тўхта қилинмайдими. Шу туйғуни унинг қадрига етмоқ ва авайлаб-ақраш ҳар бирига ўзун ҳам қарз, ҳам фарздор. Минг бор афсуслар бўлсинким, бунинг акси ҳозирги куннинг долзарб муаммосига айланиб қолмоқда. Айниқса, талаба ёшларимиз орасида "соф" муҳаббат шунчалик аж олганки, уларнинг муҳабба-



Шаж маънавияти, унинг дунёқараши асосан оилада шаклланади. Ўзбек халқи азал-азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Халқимиз бола тарбиясида нафақат меҳр кўрсатади, балки ёшлигидан болани одоб-ахлоқ, эрини ҳурмат қилмаган она болаларини отасига ҳурмат руҳида тарбиялай олмайди. Қадимдан оналар ўз болаларида оталарга ҳурмат, муҳаббат, ифтихордан ташқари, отадан чўчиб туриш туйғусини ҳам уйғотишга алоҳида эътибор беришган. Шунинг учун ҳам болаларга: "Отанг биллиб қолмасин", "Отанг билса нима қилмасин" тарзидаги ёндашувларни сингдиришган.

Ўзбек халқининг минг йил-эрини ҳурмат қилмаган она болаларини отасига ҳурмат руҳида тарбиялай олмайди. Қадимдан оналар ўз болаларида оталарга ҳурмат, муҳаббат, ифтихордан ташқари, отадан чўчиб туриш туйғусини ҳам уйғотишга алоҳида эътибор беришган. Шунинг учун ҳам болаларга: "Отанг биллиб қолмасин", "Отанг билса нима қилмасин" тарзидаги ёндашувларни сингдиришган.

Оила - ҳаёт мактаби

юксак маънавий асосида тарбиялашга интилади. Оилада, айниқса аёлда или, ахлоқ, тарбия кучли бўлса, бу фазилатлар юрт, миллат ва ёш авлодда чуқур томир отади. "Қуш уясида кўрганини қиладир", "Олманинг тағига олма тушади", "Онасини кўриб, қизини ол", "Нимани эксанг, шуни ўрасан" каби мақоллардан ота-онанинг андозаси ва фарзандига қандай тарбия берилган бўлса, ҳудди шу тарзда жавоб қайтишлигини англаш қийин эмас. Ҳар бир аёл ўз хатти-харақати, хулқ-оқоби, муомаласини назорат ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши керак. Токи фарзандлар "Менинг онам дунёдаги энг яхши аёл" - дея ўз онаси билан фахрлана олсин. Оилада отанинг обрўси, аввало, уни аёли қанчалик ҳурмат қилишига боғлиқ, чунки ўзи

лар давомида қон-қонига сингиб кетган қадриятлар - қариндошлик туйғуларини юзага чиқариш, ота-боболарнинг маънавий меросларини ўрганиш, ҳар қандай қийинчиликларни сабр-тоқат билан енгиш, болалар насихатларини юракка сингдириш орқали энг яхши фазилатлар, одамийлик хислатларини юзага чиқариш. Бундай момомерос қадриятлар асосида тарбияланган фарзандлар ўз умри давомида учрайдиган қийинчиликларни осонликча енгиб ўта олади. Болаликдан тартиб-интизомга ўрганган инсон умрининг охиригача унга қатъий рўйа қилди. Бу эса унинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига, кишилар ўртасида ҳурмат-эътибор қозонишига, қўндалик юмуш ва ишларини тўла-тўқис бажаришига ёрдам беради. Бунда ҳам оилада ота-она шахсий ибрат бўла олади.

маълумотга эга бўлса, саломатликни асрашнинг туб моҳиятини тушуниш осон кечади. Мутахассислар, намунали оиланинг тақрибли онахонларидан иборат тарбия бот руҳи иштирокида маҳалларда, ўқув муассасаларида, ниқоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишнинг аҳамияти, яқин қариндошлар орасидаги ниқоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида учрашув, давра суҳбатлари ўтказилиши катта фойда беради. Табиийки, соғлом оилани шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофазасида қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга қаратилган бундай тадбирлар фарзандларимизнинг бахтли ҳаёт кечирishiларини таъминлашга, жисмонан ва маънан етук бўлиб камол топишларига хизмат қиладир. Жаҳонгир ЖўРАЕВ, Мусиқа таълими йўналиши талабаси

Ҳаёт хазинаси жонқуяри

Қадимги юнон файласуфи Арасту «Харакат - ҳаёт хазинаси» деб ёзиб қолдирган. Француз ёзувчиси Виктор Гюгонинг таъкидлашича, «Рўх қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур». Жисмоний тарбия ва спорт жонқуяри сифатида бугун кенг жамоатчиликка яхши таниш, бутун борликка баҳор ўз сепини ёйган кезларда кутлуг олтимиш ёшини қарши олган Тўрақул Миразимов ҳам ана шу нақлга амал қилиб келмоқда.

Зиёли оилада таваллуд топган Тўрақул ака Садриддин Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетидеги тахсилни имтиёзли диплом билан тугатиб, бир мuddат ўрта мактабда ўғилқизларга дарс берди. 1979 йилда ёш мутахассис ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Тўрақул Миразимов Жиззах Давлат педагогика институти жисмоний тарбия факультетининг спорт фанлари услубияти кафедрасига ишга тақлиф этилди.




шаҳарларида бўлиб ўтган нуфузли халқаро анжуманларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этадиган чиқишлари илиқ қарши олинди. Жумладан, узок йиллик изланишлар маҳсули ҳисобланадиган «Спорт турлари ҳакамлари ва уларнинг вазифалари» монографияси Тўрақул Миразимовнинг олим сифатидаги салоҳиятини акс эттирди, мамлакатимиз жамоатчилиги ўртасида баҳс ва мунозараларга сабабчи бўлди.

Таниқли олим, беназир раҳбар Бозорбой Уринбоевнинг назарига ҳамма ҳам тушмайди, деб таъкидлайди республика «Талаба» спорт уюшмаси ихрочи директорининг ўринбосари, педагогика фанлари номзооди Тўрақул Холдоров. - Тўрақул ўзига билдирилган ишонччи оқлди, десам хато қилмайман. Кафедранинг катта ўқитувчиси, факультет деканнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, «жисмоний тарбия ва спорт» кафедраси мудири, олий ўқув юртидаги «Талаба» спорт клубининг раиси лавозимларида фаолият кўрсатган йилларда Тўрақул Миразимовга хос тиришқоқлик, ташаббускорлик ва изланиш тўлиқ намоён бўлди. Қарийб қирқ йил мобайнида Тўрақул Миразимов ўқув-тарбиявий ишларни давр талабидан келиб чиқиб, йўлга қўйишдан ташқари, жисмоний тарбия ва спортнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақолалар, рисола ва монографияларни ҳам чоп эттирди. Муаллифнинг олтидан зиёд илмий-оммабоп мақолалари республикамизнинг шу соҳага тааллуқли журналлари ва газеталарида чоп этилди. Россия Федерацияси, Қозғоғистон Республикасининг бир қатор

«Кариб йилirma йилдан буюн «Спорт фанлари услубияти» кафедрасида катта ўқитувчи сифатида баракали ишлаб келаётган устозимиз биз, ёшларга ҳар жабҳада ўрнатқ бўлаётти. - дейди педагогика фанлари номзооди, доцент Фуркат Аҳмедов. - У сўз ва иш бирлиги қандай бўлишини амалда исботлаётти. Ун йилдан буюн институтимиздаги эркаклар волейбол жамоасини маҳорат билан бошқариб, мамлакатимизда ташкил этилаётган мусобақаларда соғирлар қўлга киритилишига муносиб улуш қўшаётти. Бағри дарёликни ўзида мужассам айлаган Тўрақул Миразимовнинг файзли хонадони шуқули Наврўз айёми давом этаётган лаҳзаларда меҳмонлар билан гаважум бўлди. Оила соҳибини Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида ишлаётган шоғирлари, мамлакатимиздаги таълим ва фан жамоатчилиги вакиллари, таниқли мутахассислар самимий кутлашди. Олтимиш ёшлилар сафига қўшилган Тўрақул Миразимовнинг орзулари бир дунё. Бу орзуларнинг тўлиқ ушалишига биз ҳам тилақдошимиз.

Баҳриддин БҮРИБОЕВ, педагогика фанлари номзооди, доцент



ЭКОЛОГИЯ ВА БИЗ

Табиатшунослик ва география факультетининг ўқитувчи ва талабалари экологик муаммолар ҳақида мулоҳаза юритадилар

Вилоятимиз ҳудудида жойлашган Айдар-Арнасой кўли республикамиздаги энг йирик кўллардан бири ҳисобланади. Айдар-Арнасой кўли - Нурота тоғ тизмаларининг шимолий этагида жойлашган бўлиб, шимолий қирғоқлари шарқий Қизилкумга туташиб кетган. Кўлнинг тоғ этагидаги жанубий қирғоқлари текис ва сув ости ён бағирлари нисбатан тикроқ, шимолий қирғоқлари нотекис ва қия бўлиб, орол ва ярим ороллардан ташкил топган. Кўлнинг ўртача чуқурлиги 10-12, чуқур жойлари 26-30, ҳатто 40 метрга боради. Айдаркўл тор йўлаклар орқали Тузкон ва Арнасой кўллари билан туташган. У вилоятимиздаги Оқбулоқ, Сангзор дарёсининг қили ташламаси, Чордара сув омбори ва Марказий Мирзачўл ташламаси оқими ҳисобига тўйинади. Айдар-Арнасой кўлининг сув майдони 184 минг гектардан 320 минг гектарга етади. Узунлиги 159 км, эни эса 26 километрга боради. Айдар-Арнасой кўллар тизими соҳилида 14 туркумга мансуб 220 тур кушлар аниқланган. Бу ерда кўпроқ умумба шарий ҳавф остида турган жингалак сақоқуш (*Pelecanus crispus*), оқбошли ўрдак (*Oxyura leucoserphala*), ола қанотли ўрдак (*Aythya nyroca*), қиронқора (*Aquila heliaca*), узун куйруқ сув бургути (*Haliaeetus leucogyrphus*), тасқара (*Aegypius monachus*), йўрға тувалоқ (*Chlamydotis undulata*) учрайди. Кўл атрофидаги чўлларда 9 турдаги йўрға тувалоқ (*Chlamydotis undulata*), сув булдуруқ (*Syrphites paradoxus*), малла тентакуш (*Carpimulgus aegyptius*), чўл қарғаси (*Corvus ruficollis*), чўл мойкуши

(*Sylvia nana*), жик-жик (*Scotocerca inquieta*), Бухоро читтаги (*Parus bokharensis*), чўл вьюроги (*Rhodopechys obsoletus*), сариқ дехқончумчүк (*Emberiza bruniceps*) каби кушлар учраб, Евроосиё чўл ва ярим чўллари учун ҳам характерли. Айдар-Арнасой кўллар тизими

Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳайвонот дунёсини ўрганамиз

қоравой деб ҳам айташади. Бу кушлар кўлда гала-гала бўлиб яшайди. Жуда ҳам эҳтиёткор, бирор ҳаракатни ёки хавфни сезадиган бўлса учишга ёки қамиллар орасига яширинишга ҳаракат қилишади. Катта қоравой танасини тик тутиб юрганлиги учун ерда

бўлган балиқлар билан озикланади. Катта кўлда қоравойлар бир қатор тизилиб қанотларини сувга чапирлатиб уриб, балиқларни саёз жойларга олиб боради ва сувга шўнгиб, улар билан озикланади. Шунингдек, кўлдаги мавжуд сув ҳашаротлари, моллюскалар, итбалиқлар ҳамда ўсимликлар билан ҳам озикланади. Бу кушлар жуда кўпайиб кетадиган бўлса, балиқчилик хўжалиқларига зарар келтириши мумкин. Кўлда учровчи 13 турдаги кушлар ҳалқаро "Кизил китоб"га ва 24 тури Ўзбекистон "Кизил китоб"ига киритилган. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, Айдар-Арнасой кўллар тизимининг Рамсар конфенциясига аъзо бўлиши у ерда муҳофаза остига олинган кушларга эътиборни янада кучайтиради. 1971 йил 2 февраль кунини Эроннинг Рамсар шаҳрида ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган асосан сувда сузувчи кушлар яшаш жойлари ҳисобланган сув-ботқоқ ҳудудлар тўғрисидаги глобал миқёсдаги конвенция имзоланди. 1997 йил 2 феврал Бутунжаҳон сув-ботқоқ ҳудудлар кунини сифатида кенг нишонланиб, бунга 158 та мамлакат аъзо бўлган. 2001 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Рамсар конвенциясига аъзо бўлиши ҳақида Олий Мажлис қарори қабул қилинган. Айдар-Арнасой кўллар тизимига конвенция доирасида ҳалқаро муҳофаза этиладиган кўллар тизими мақоми берилиб, 2008 йил 20 октябрдан 1841-сон билан рўйхатга олинган. Шунинг айтиш жоизки, қамайиб бораётган куш турларини муҳофаза остига олмасак, она табиатимизга кечирилмас зарар етказишимиз мумкин.

«ҚИЗИЛ КИТОБ»ДАГИ ҚУШЛАРНИ АСРАЙЛИК



Марказий Осиёда кушларнинг учиб ўтувчи йўлида жойлашган бўлиб, у учиб ўтувчи ва қишлоқчи гидрофил кушлар ҳамда сув атрофидаги қишлоқчи кушлар учун хизмат қилади. Маълумотларга қараганда, кўлда учровчи куш турларининг кўпайиши билан бир қаторда, улар сонининг қамайиши кузатилади. Бу ерда 2000 йилнинг январ ойида 192 минг (37 тур), 2004 йилда 32 минг (43 тур), 2007 йилда эса 24 минг (72 тур) кушлар ҳисобга олинган. Бу даврда энг кўп сонли турлар катта қоравой (*Phalacrocorax carbo*), катта оқ қарқара (*Casmerodius albus*), кулранг гоз (*Anser anser*), ҳайдаркокил (*Aythya ferina*), олмабош (*Netta rufina*), ёввойи ўрдак (*Anas platyrhynchos*), кашқалдоқ (*Fulica atra*) куш турлари аниқланган. Кушлар ичида патлари қора, танаси қизил-кўнгир рангдаги ялтирайдиган катта қоравой (*Phalacrocorax carbo*) жуда кўплиги билан ажралиб туради. Бу кушни қоравой, катта қорабузов ва ҳаром

бироз бесўнақай юради. Тумшуги маълум даражада цилиндрсимон ва учи қайрилган. Қанотларини ёзганда бир метргача боради. Бу куш югуриб ҳавога кўтарилади, бир оз қийналиб қанотларини тез-тез қоқиб учади. Улар гала-гала бўлиб кўл атрофидаги қирғоққа тўпланади. Катта қоравой сувга яхши шўнгийди ҳамда сузади. Оғирлиги 2-3 килограмм келадиган бу куш кўл қирғоқларига ёки секин оқадиган сувларнинг қамиллиги жойларига уя қуради. Катта колонияларида инлари қуруқ қамиллардан ясалиб, жуда зич жойлашган бўлиши мумкин. Катта қоравой баҳор ойининг ўрталаридан уясига бештагача тухум қўяди. Тухумлари оч яшил ёки кўк рангларда бўлиб, катталиги 62x40 мм, оғирлиги 42-50 граммга тўри келади. Қоравойлар тухумини бир ойгача босиб ётади, тухумидан жинш бола очади. Болаларининг танаси яланғоч ёки сийрак пат билан қопланиб, кўзи юмук, териси қора заиф бўлади. Болаларини ота-оналари тарбиялаб, ўзига хос равишда боқади. Катта кушлар оғзини кенг очади, болалари эса бошини оғзига солиб чала ҳазм

бўлган балиқлар билан озикланади. Катта кўлда қоравойлар бир қатор тизилиб қанотларини сувга чапирлатиб уриб, балиқларни саёз жойларга олиб боради ва сувга шўнгиб, улар билан озикланади. Шунингдек, кўлдаги мавжуд сув ҳашаротлари, моллюскалар, итбалиқлар ҳамда ўсимликлар билан ҳам озикланади. Бу кушлар жуда кўпайиб кетадиган бўлса, балиқчилик хўжалиқларига зарар келтириши мумкин. Кўлда учровчи 13 турдаги кушлар ҳалқаро "Кизил китоб"га ва 24 тури Ўзбекистон "Кизил китоб"ига киритилган. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, Айдар-Арнасой кўллар тизимининг Рамсар конфенциясига аъзо бўлиши у ерда муҳофаза остига олинган кушларга эътиборни янада кучайтиради. 1971 йил 2 февраль кунини Эроннинг Рамсар шаҳрида ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган асосан сувда сузувчи кушлар яшаш жойлари ҳисобланган сув-ботқоқ ҳудудлар тўғрисидаги глобал миқёсдаги конвенция имзоланди. 1997 йил 2 феврал Бутунжаҳон сув-ботқоқ ҳудудлар кунини сифатида кенг нишонланиб, бунга 158 та мамлакат аъзо бўлган. 2001 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Рамсар конвенциясига аъзо бўлиши ҳақида Олий Мажлис қарори қабул қилинган. Айдар-Арнасой кўллар тизимига конвенция доирасида ҳалқаро муҳофаза этиладиган кўллар тизими мақоми берилиб, 2008 йил 20 октябрдан 1841-сон билан рўйхатга олинган. Шунинг айтиш жоизки, қамайиб бораётган куш турларини муҳофаза остига олмасак, она табиатимизга кечирилмас зарар етказишимиз мумкин.


Олимжон АВАЛБОВ,
Умумий биология ва уни ўқитиш услубияти кафедраси ўқитувчиси,
Ўғилой НОРБОВЕВА,
Биология йўналиши талабаси

Ёш тадқиотчилар саҳифаси

Кислотали ёмғирлар хавфи

Инсониятнинг кейинги пайларда табиатга кўрсатган зуғумини энг бешафкат кушлар билан тенг қўйиш мумкин. Айниқса, ўтган XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб экологик фалокатлар сони кўпайиб, инсоният айби билан улар янада хатарли тус олиб бормоқда.

Агар ўтган асрнинг 60-йилларидан инсон ва атроф-муҳит учун хавфли оқибатлар келиб чиққан 45 та йирик экологик фожеа содир бўлган бўлса, 80-йилларда бу кўрсаткич 80 тага етди. Хозирда эса янада ортиб бормоқда. Жумладан, атмосферанинг ифлосланиши тинмасдан давом этиб, йилдан йилга ортиб бормоқда. Атмосферани ифлосланиши санасат қорхоналари чиқиндилари, транспорт воситаларидан ажраладиган бирикмалар айниқса, водород сульфид, углерод оксидлари ва оғир металллардан кўроқшун, мис, кадмий, никел ва бошқа металл зарралари ҳисобига тобора ортиб бормоқда. Атмосферага ҳар йили 100 миллионлаб тонна ифлословчи моддалар ажратилади. Ҳавода олтингургурт оксиди (SO_2) ва азот оксиди (NO_2), водород сульфид (H_2S)нинг миқдори ортиб бориши кислотали ёмғирларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Жараёни кўйидаги реакция тенгламалари билан ифода қилиш мумкин:



Кислотали ёмғирлар кўйидаги салбий оқибатлар юзига келтиради: олтингургурт оксиди ўсимликлар баргидида хлорофиллни емиради, гулдаги чангловларнинг етилишига салбий таъсир кўрсатади. Барглари қуриб тўкилишига олиб келади. Олтингургурт оксидининг бир қисми оксидланади ҳамда сувда эриб, кислотага айланади ва у ер юзига кислотали ёмғир бўлиб ёғилади. Кислотали ёмғирлар чириндилар (H_2SO_4)ни тупроқдан ювиб кетади. Бундан ташқари тупроқда калций, магний, калий тузлари ҳам қамаяди. Бунинг оқибатида тупроқнинг унумдорлиги пасаяди. Кислотали ёмғирлар сув ҳавзаларидаги жониворларни ҳам қуриб юқиши мумкин. Энг ачинарли томони, "кислотали ёмғир" ҳосил қиладиган газларнинг бир қисми озон қаватини емиради, ултрабинафша нурларнинг ер сатҳига ҳеч бир тўсиқсиз этиб келишига олиб келади. Бундан ташқари, кислотали ёмғирларнинг ёғиши ва сув ҳавзаларига тушиши натижасида сувдаги ортқча кислоталар оғир металлларни, жумладан кўроқшунни эриқтади, натижада бу моддалар ичимлик суви ва денгиз маҳсулотлари орқали инсон организмига тушади ва захарлилигига олиб келади.

Кислотали ёмғирлар туфайли тупроқнинг кислоталилиги ортади. Бу эса ерга қўшимча ишлов беришни талаб қилади. Ўсимликлар ҳаётини фаолиятига салбий таъсир этади. Масалан, Сурхондарёдаги машҳур анорзорларнинг ҳосили қамайиб, майдаланиб кетиши ҳам кислотали ёмғирлар билан боғлиқ. Инсон - табиат фарзанди, келажакимиз бўлган ёш авлод ҳам шу табиат кўйида яшайди, меҳнат қилади. Демак, табиат муҳофазаси ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлигини унутмаслик лозим.

Элбек ЖАББОРОВ,
Кимё йўналиши талабаси



Баҳор таровати

Баҳор фасли ўзининг хусн-таровати билан бошқа фасллардан ажралиб туради. Диёримизга наврўз ва сумалак фасли бўлган баҳор таширф буюрган. Момоларимиздан қолган неъмат бўлиши сумалак истеъмол қилмаётган киши топилмас керак. Хузур қилиб сумалак истеъмол қилаётган кишида сумалакни тайёрлашни қим ўйлаб топган экан? Нималар ҳисобига сумалак бундай тоғли бўлиб қолар экан? каби саволлар туғилиши табиий ҳол ҳисобланади.

Сумалак асосан қаттиқ навли бугдойлардан тайёрланади. Ўстирилишга қўйилган бугдой аввало бегона ўтлар уруғидан тозаланиши керак. Бугдойни ундириш учун жой танлаш вақтида аҳамият касб этади. Бунинг учун тоза ҳаво кириб турадиган, еруғлик тушадиган, лекин қуёш нури тикка тушмайдиган жойни танлаш керак. Бир текис ёйилган бугдойни 15-18 даражали ҳароратда ундирилганда сумалак ширин бўлади.

Ўртача 4-5 сантиметр узунликда ундирилган майсалар санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда гўшт қийма-лагичда майдаланиши керак. Ҳосил

бўлган масаллик 40-50 даражали сувда яхшилаб гижимланиб, кейин шарбат ажратиб олинса, шарбат чиқиши ва унинг биологик фаол моддалар билан тўйиниши ортади. Кекса момоларимиз таъкидлашича, сумалак тайёрланиши бошланишидан то тайёр бўлгунча гигиена қоидаларига риоя қилинса сумалагимиз мазали чиқади.

Сумалакнинг Сирлари

Сумалак жуда мураккаб таркибий қисмга эга. У шифобахш дармондориларга бой таом ҳисобланади. Сумалакнинг бу қадар тоғли бўлиши бугдой таркибидаги ферментлар таъсиридадир. Сумалак таркибидаги оксил, мой, углеводлар, органик кислоталар, сувда эрийдиган дармондорилар, макро ва микро элементлар кишига кучкуват ва саломатлик бахш этади.

Баҳорда одам тана хужайралари витаминларга, турли хилдаги полимер моддаларга мойил бўлади. Бу талабни қондиришда сумалак муҳим ўрин тутаяди. Сумалак овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари олдини олади, кўзни равшан қилади. Сумалак шифо берсин, десангиз уни ёғли, гўштли таомлар билан истеъмол қилишдан ўзингизни тийинг. Уни мустақил таом сифатида нахорда истеъмол қилсангиз фойда беради.

Сумалак ҳақида кўп гапириш мумкин, биз фақат бир қисми ҳақида сўз юритдик. Холос.

Норпўлат ХОЛМОҶОВ,
Биология йўналиши талабаси

Биз билган ва билмаган кимё

Ҳурматли талабалар! Кўпчилигимиз кимё фанини жумбоқларга тўла, қизқарсиз фан сифатида тасаввур қиламиз. Лекин ушбу фан бирмунча қизқарли ҳодисаларга эга. Кўйидаги маълумотлардан сиз кимёнинг бугунга қадар бўлган аҳамиятини билиб olasiz.

• Мис қадим замонлардан бери чақа тайёрлашда ишлатилиб келинади. Энг катта мис пул-швед пули бўлган. Унинг массаси 20 кг бўлган. Пётр замонида Россияда киймати 1, 2, 5 ва 10 тийинлик чақалар тайёрлаб ишлатилган. Уларнинг базилари етарли даражада йирик бўлган. Масалан, 16 кг мисдан атиги 10-15 сўм қадрига тенг чақалар тайёрланган.

• Фосфин (PH_3) таркибида ўзидан ҳавода алангаландиган қўшимча модда-дифосфин (P_2H_4) бўлади. Фосфин аралашмаси баъзан мурда емираётган горулардан чиқиб, чакнаб ёниб туради; гўр устида кўринадиган ана шу чакнаган оловлар ўша дифосфиннинг ўз-ўзича алангаланишидан келиб чиқади. Эски замонларда гўр устида пайдо бўлган ана шундай чакнаган оловлар хурофотга берилган ва ирим-сиримли одамларни кўрқитар эди.

• Агар қумуш (I) нитратнинг суялтирилган эритмасига озроқ симоб қўшилса, жуда чиройли қумуш дарахт ўсиб чиқади. Бу ҳодиса ўрта асрлардаёқ кимёгарларга маълум эди.

• Ой заминда темир борлиги аниқланган. Бу темир ҳавода коррозияга учрамайди, кислород билан реакцияга киришмайди. Бу ҳодисалар металл сиртига жуда узоқ вақт вакуум шароитида қуёш нури тушганлиги билан изоҳланади. Демак, Ой темири зангалмас экан.

• Азот атоми (N) ҳар доим ҳаракатда силжиб туради, у ўзи жойлашган асоснинг сиртига чиқади, дам унинг тагига тушади. Бу ҳодиса (инверсия) мавжудлиги билан боғлиқ тарзда моддалар аниқ тебранишга эга бўлган электромагнит нур чиқиб туради. Шунга асосланиб, "мазер" нўмили янги тур генератор ясашга муваффақ бўлдилар. Аммиакли мазер ер юзасида кечакундуз ҳар йили ўрта ҳисобда 0,00043 секунд ортишини кўрсатади.

• Спиртни пичоқ билан кесиладиган даражада қаттиқ ҳолатга келтириш мумкин. Бунинг учун 10-15 мл этил спирти олиб, унга қуюқ масса ҳосил бўлгунча қадар совун қириндиси бўшилади. Ундан бир бўлак олиб ёқиб кўриш мумкин. Ушбу маҳсулот аланга учун қуруқ спирт ўрнига ишлатилади.

Фаррух ТУРСУНОВ,
Кимё йўналиши талабаси

ТАЛАБАЛАР МУШОИРАСИ

Ҳаёт ҳақиқати

Умр фақат қорадан иборат эмас,
Унда ёрғун кунлар нафаси ҳам бор.
Қаҳрамон қиш доим ҳукмрон эмас,
Унда гўзал баҳорнинг чироғи ҳам бор.
Қозик қапалакчи кузатиб беҳол,
Англади ҳаётнинг қадру қимматин.
Улашайлик, дўстим, бу қандайин ҳол,
Меҳр аталмиши дунёнинг олий неъматин.
Ширдоқ келиб кетмай ёнб яшайлик,
Учирлиш ҳам турайди лисоли япроқ.
Бирга меҳриллиздан қониб яшайлик,
Буён борлиш эртага бир сўғим тупроқ.

Феруза ШУКРУЛЛАЕВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси

Юрагинман

"Юрагинман менга раҳм қил,
"Севайман" деб айтмагин
зинҳор,
Дардсизлик - бу менга заҳм, бил,
Оҳларимни тинглагин бир бор.
Мени тошми, ёки лаҳм бил,
Ўзингни бил шўдгор, экинзор.
Че бўлса ҳам шунчи раҳм қил,
Ҳар бир оҳим севайдан изҳор...
Мени тошми ёки лаҳм бил,
Дардсизлик - бу менга заҳм, бил,
Че бўлса ҳам шунчи раҳм қил,
Юрагинман менга раҳм қил..."
Шундай дардин айтганча Юрак,
Бир умрга тинмас керак...

Абдуманнон ҲАСАНОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси

Мажналик даҳшати

"Муҳаббатнинг маънос
қўшиқлари" туркумидан

Жудо бўлмақдан сабру тоқатдан,
Дилми асрагим, жоним, оратдан.
Дард, ҳижрон қўшиқи қилмоқда яхсон,
Шебрачиб турар қалб - бу шоним кўргон.
Унда, ахир, бахту ноланг яшайди,
"Муҳаббат" аталмиши боланг яшайди.
Унга ҳар кун, таслим қилмасин деб жон,
Меҳрим рағзасидан элмоқданан нон.
Игали, қишда ҳам бирдай илқидир,
Кўзёшим бор яна, сўздай тинқидир.
Муҳабдир сабрунинг чеккан захматини,
Муҳабдир ҳудонинг оби раҳматини.
Олдидан кўп бало содир бўлибдир,
Кўнглим бир йиғинга қодир бўлибдир.
Шунчи билмоқ бизга кифоя бўлмай,
Ҳар қандай ҳола ҳам ниҳоя бўлмай.
Кўрган эл - ўрнидан туриб ётибди,
Эй воҳ кўз ёшларим қуриб кетибди.
Деганлар: "Сўздай мулк гар бўлса барбод,
Уч кундан ортиқ кун кўрмас одалилот".
Во дарис, ёр, чиққан янги ой тенги-
У гўдак ҳаётинг не бўлмай энди?
Шаймоидек ҳар томон елсам-да "гўб-гўб",
Меҳрим рағзасидан тополмадими сўб.
Туроб Юсуф,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзо-
си, истефодаги милиция подполковниги

Нега нолишим керак

Куним ўтар эрта - кеч,
Билиб туриб, кўрмам ҳеч.
Қилсам бугун...эрта кеч!
Ҳушим йиғишим керак!
Нега, нолишим керак...

Йигирма тўртда ёшим,
Келишган кўз-у - қошим.
Бутдур, оёғ-у - бошим.
Бахтли бўлишим керак!
Нега, нолишим керак...

Ишлай десам, бор кучим!
Ўқийми? Ақлу - ҳушим!

Бахтлиман бор ўқишим!
Бедор бўлишим керак!
Нега, нолишим керак...

Дўстларим дона - дона,
Яқинларим нарвона!
Огеринсам чопар ёна!
Меҳр беришим керак!
Нега, нолишим керак...

Бордир танда соғлигим,
Ҳурурлигим - ҳурлигим,
Берар панд эркалигим.
Ўзим англашим керак!
Нега, нолишим керак...

Акрам БОЙНАЗАРОВ,
Рус тили ва адабиёти
йўналиши талабаси

Сени шамолларга бермасман баҳор

Килига баҳор, килига қаҳратон етган,
Кўнглим боғларидан савалар кетган.
Асл муҳаббатга кафанлик этган,
Сенда сўйганимнинг оқ кўйлаги бор,
Сени шамолларга бермасман, баҳор.

Ҳаётим ишл, дея бир гулни билиб,
Шиконлари кетди бағримни тилиб.
Кўрсам эшигимда кўз ёши қилиб,
Юрсам йўлларимда йиғлаб ётар қор-
Сени шамолларга бермасман, баҳор.

Бир ниш - умид тушиб кўйдирма жондан,
Туллар униб чиқди кўксимда қондан.
Қапалакнинг умри тугаган ондан,
Кетди ярим кўнглим сендан умидвор-
Сени шамолларга бермасман, баҳор.

Баҳор... йўқотилган муҳаббатим қайт,
Сени ким мен каби кўрар эди айт.
Қара сенга атаб ёзиб қўйдим байт,
Анҳор бўйларидан қолиб кетган ёр-
Сени шамолларга бермасман, баҳор.

Шербек КАРИМБЕК,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси

Сирдошим онам

Бамисоли ойдек юзингиз,
Асал каби ҳар бир сўзингиз.
Равшан кўзларингиз
бўлмасин ҳеч нам,
Қоҳақ азоблардан
йиғламанг онам.

Ой каби ёруғлик берарсиз бизга,
Ҳардам узоқ умр
тилаймиз сизга.
Онажон, дунёда
танҳо сирдошим,
Че бўлсада сиз
менинг бардошим.

Соғинч

Эслаб ўтган давларимни,
Кўлга олиб дафтариمنى,
Кўрғим келиб дўстларимни,
Ёшлимни соғиндим мен...

Хола-хола ўйнаб бизлар,
Чугурлашиб барча қизлар,
Қайтиб келмас ўша кезлар,
Ёшлимни соғиндим мен...

Кетар бўлсам мактаб йўлда,
Қараб доим ўн-у сўлга.
Байрогим бўларди қўлда,
Ёшлимни соғиндим мен...

Бувижоним силаб бошим,
Онажоним ой-кўёшим.
Артарди кўзлардаги ёшим,
Ёшлимни соғиндим мен...

Меҳрим ёздим эрта саҳар,
Қайтиб келар яна баҳор.
Леким ёшлик қайтмас зинҳор,
Ёшлимни соғиндим мен...

Дилдора УМИРОВА,
Бошланғич таълим
йўналиши талабаси

Розиман, майли

Балки ишонмасан севгинга сира,
Ошиқ этиб қўйиб қиларсан сарсон.
Бирок дунёдаги севганим, яқна,
Умидим ҳам сенсан,
ўзингсан ишон.

Розиман жонимни олсинлар майли,
Жонингга жон қилиб
берсинлар жоним.
Озорлар берсинлар,
кулсинлар, майли,
Че бўлсада сен дунёда борим.
Феруза РАХМАТОВА,
Физика-математика
факультети талабаси

Китоб - талабанинг доимий ҳамроҳи

(Давоми. Аввали
1-саҳифада)

Танлов Жиззах Давлат педагогика институти, Жиззах политехника институти, Гулистон Давлат университети талабалари ўртасида ўтказилди. Талабалар ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этишди.

Низом бўйича қуйидаги шартлар асос қилиб олинди:

1. "Китоб - тафаккур хазинаси" мақоллар танлови;
2. "Энг фаол бадий асарлар тарғиботчиси" танлови;
3. "Еш ижодкор талаба" танлови;
4. "Асарлардан яралган саҳна асарлари" танлови;
5. "Асарлардан яралган наволар" танлови

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг чиқишларни 10 баллик системада баҳолаб бордилар. Умумий бешта шарт бўйича

Жиззах Давлат педагогика институти жамоаси 47 балл, Гулистон Давлат университети жамоаси 45 балл, Жиззах политехника институти жамоаси 37 балл тўплади.

Танлов иштирокчилари-га I, II, III даражали дипломлар ҳамда бадий китоблар жамланмалари топширилди.

"Китобхонлар байрами" маданий-маърифий танлови ҳудудий босқичида юқори балл тўплаган Жиззах Давлат педагогика институти жамоаси жорий йилнинг ноябрь ойида ўтказилган танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Танлов якунида Мусикий таълим йўналиши талабалари тайёрлаган мусикий дастур ижро этилди.

А. ХУЖАНАЗАРОВ,
Институт "Қамолот"
ЕИХ бошланғич
ташкilotи етакчиси

Шоира Хосият Бобомуродова билан талабалар учрашуви



23 апрель куни ўзбек тили ва адабиёти факультети талабалари билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқ таълими аълочиси, шоира Хосият Бобомуродова иштирокида адабий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирни факультет декани вази фасини бажарувчи Ш. Хайдаров кириш сўзи билан очди. Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубияти кафедраси мудири, доцент Ю. Каримова шоира Х. Бобомуродованинг ижоди, унинг шеърларидаги тарбиявий аҳамият, ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг шоира Х. Бобомуродова ўз ижодидан намуналар келтириб, ёшларга

кўтаринки рух бағишлади. Ёшларни ҳаётни севишга, ўқиб-ўрганишга, орзуларга интилишга, Ватани ардоқлашга, ижод йўлида тинимсиз курашишга ундади.

Хаваскор қаламқашлар ҳам ўз шеърларидан намуналар ўқиб бердилар.

А. ҲАСАНОВ,
Ўзбек тили ва
адабиёти йўналиши
талабаси

Футболимиз - олимпиз

Ҳаёт асли бир майдон,
Тўп сақлар у ён бу ён.
Томошабин мол, ҳайрон,
Ҳимоячи тез, чаққон.

Соврин энг муҳим эмас,
Аввал ўзинга ишон.
Сен-ғолиб, рақиб эмас,
Кўйла тўп, дарвозабон.

Халқ қўлмайди уларни,
Кўзла рақибни мезбон.
Бақирдор қўллар омон,
Тол урмасиқ деб меҳмон.

Футбошим қўллар сени,
Тўптаймай уравер гол.
Ватан қўлмайди сени,
Ютиб олгин сен ҳоло.

Дук-дуклар ҳар бир юрак,
Дилдан қилинар тилак.
Ҳар шийда бор ҳаяжон,
Омад бўлар биз томон.

Энди эса мураббий,
Тол уради Миржало.
Ишқидлардан Аҳмедов,
Ҳар ўйинда ураер гол.

Маҳмуда АБИДОВА,
Инглиз тили ва адабиёти йўналиши талабаси

Зиё чашмаси

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институти

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил
этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: К. Нуъмонова

Манзил:

Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институти.

«Jizzax-Print»

bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Jizzax shahri, 130100.
Sayiljoyi ko'chasi,
4-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буюртма № Shaki-A-3.